

**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида 2024 йилда
ўтказилиши режалаштирилаётган республика миқёсидаги анжуман
АСОСНОМАСИ**

1. Анжуман мавзуси: Янги Ўзбекистонда ижтимоий фанлар трансформациясининг назарий методологик масалалари. (Республиканская научно-практическая конференция “Теоретико-методологические проблемы трансформации социальных наук в новом Узбекистане”).

2. Анжуман мақоми – Республика миқёсида.

3. Анжуманини ўтказиш учун асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва бошқа манбалар. Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023-йил 2-майдаги “2023-йилда ўтказилиши режалаштирилган халқаро ва республика миқёсидаги илмий ва илмий-техник тадбирлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 118-буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 июлдаги “Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 475-сон қарори асосида ўтказилади.

4. Анжуман илмий йўналиши, мақсад ва вазифалари

Ташкил қилиниши режалаштирилган анжуман ижтимоий фанларни янги Ўзбекистон шароитида ривожлантириш йўллари ва усуллариغا боғлиқ бўлиб, фалсафа, социология, психалогия фанларини ривожлантириш, ислохотлар натижасида пайдо бўлган янги ижтимоий-иқтисодий соҳаларга тадбиқ этиш, шунингдек республикада ижтимоий фанлар соҳасида бажарилаётган ишлар бўйича ўзаро фикр алмашиш ҳамда ёш олим, магистрант, докторант ва мутахассиларнинг илмий-тадқиқот ишларининг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Анжуманда республика ёш тадқиқотчиларнинг тажрибалари ўрганилади, муҳокама этилади ва янги методологиялардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади ҳамда ижтимоий фанларни ривожлантириш янги соҳалари талаб ва таклиф доирасида ишлаб чиқишни назарда тутилган бўлиб, Республикадаги ижтимоий фанлари доирасида олиб бориладиган тадқиқотлар, илмий изланишлар, янги методологияни жорий этиш бўйича муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича хулоса ҳамда таклифлар тайёрлаш.

5. Муҳокама қилинадиган муаммолар:

Мазкур халқаро илмий-амалий анжуманда қўйидаги муаммолар муҳокама қилинади:

- Фалсафий тадқиқотларни чет эл тажрибаси билан уйғунлаштириш.
- Психалогия соҳасидаги тадқиқотларни жамият муаммоларига қаратиш ва марказлар ташкил қилиш.
- Социологиянинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрни.
- Виртуал олами ривожланишида ижтимоий-гуманитар фанларни хусусиятлари.

6. Ўтказиладиган анжуманнинг давлат илмий-техника дастурлари, халқаро илмий ҳамкорлик дастурлари билан боғлиқлиги. Ўтказиладиган анжуман “ИТД-5-Жамиятни ахборотлаштириш даражасини оширишга йўналтирилган илмий ҳажмдор ахборот технологияларини, телекоммуникацион тармоқларни, аппарат дастурий воситаларни интеллектуал бошқариш, ўқитиш усуллари ва тизимларини ишлаб чиқиш” давлат илмий – техника дастури билан боғлиқ.

7. Анжуман натижалардан кутилаётган илмий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик:

• **илмий самарадорлик** – анжуманда муҳокама этилаётган муаммолар (5 банд) бўйича илмий асосланган хулосалар ва уларнинг ечимлари бўйича таклифлар тайёрланади.

• **ижтимоий самарадорлик** – Республикамизнинг иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизими фаолиятини фалсафий, социологик таҳлил этиш, инсон психикасини ўрганишни янада ривожлантириш.

• **иқтисодий самарадорлик** – фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали янги фалсафий тадқиқот соҳалари, мавзулари ишлаб чиқилади, аҳолини эҳтиёжларини социологик тадқиқотлар орқали аниқлаб таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Инсон руҳиятидаги ўзгаришлар, таълим тизимидаги психологик хизмат турлари ишлаб чиқилади ва бу эса соҳалар иш фаолиятини янада оптималлаштиради, илмий тадқиқотларни жаҳон андазаларига мослаштирилади, юқори натижаларга эришилади.

8. Илмий анжуманда ёш олимлар, мутахассислар, докторантлар ва магистрларнинг иштирок этиши. Ёш олимлар, изланувчилар, магистрлар ва иқтидорли талабалар анжуман йўналишига мос мавзулар бўйича иштирок этишлари мумкин.

9. Анжуман ўтказишда республикада мавжуд соҳа ташкилотларининг иштироки. Илмий-амалий анжуманда Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро давлат университети, Термиз давлат университети, Гулистон давлат университети, Ургенч давлат университети, Андижон давлат университети қатнашиши режалаштирилган.

Илмий ишлар ва

инновациялар бўйича проректор



Х.Хушвақтов